



VIII асрда араб кўшинларининг Туркистонга кириб келиши, унинг ислом дини байроги остида бирлашиши — Марказий Осиё тарихидаги энг муҳим бурилиш нукталаридан бири ҳисобланади. Бу фатҳ нафакат сиёсий-маъмурий ўзгаришлар, балки маънавий-рухий ва маданий юксалиш жараёнини ҳам олиб келди.

Оташпарастлик ва бошқа ботил эътиқодлардан халос бўлиш

Фатҳдан олдин Туркистонда зардуштийлик, бутпарастлик, шаманизм каби турли дин ва маросимлар ҳукмрон эди. Уларда одамга ва табиатга боглик турли хурофотлар, қурбонликлар ва ботил эътиқодлар мавжуд эди. Арабларнинг келиши билан ислом дини тарғиб этилди ва Аллохнинг ягона зотига иймон келтириш эътиқоди барқарор ўрнатилди. Бу — халқнинг маънавий тозаланиши ва ҳақ йўлга кириши учун Аллох таолонинг катта марҳамати бўлди.

Исломнинг илм-фанга кенг йўл очиши

Ислом дини билан бирга Қуръон ва Суннатга асосланган билимлар, фикрий эркинлик, илмга интилиш маданияти ҳам кириб келди. Туркистон заминидан:

- Маҳмуд Замахшарий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Ал-Фаргоний, Мирзо Улуғбек

каби улуг олимлар етишиб чикди.

- Мадрасалар, кутубхоналар, илм марказлари очилди.
 - Математика, астрономия, тиб, адабиёт ва фалсафада жахон микёсида тенги йўк асарлар яратилди.
 - Буюк давлат ва шаҳарлар қурилди
- Бу давр Туркистоннинг хақиқий маърифий ва илмий тикланиш асри бўлди.

Маданий ва сиёсий бирлик

Араблар фатхи натижасида Туркистон ислом оламининг ажралмас қисмига айланди. Бу:

- Савдо йўлларининг хавфсизлиги.
- Маданий алмашинув ва хунармандчиликнинг ривожланиши.
- Араб тили орқали ислом илмлари ва давлатчилик тажрибасининг кириб келишига замин яратди.

Адолатли қонун ва ислом ахлоқи

Ислом шариати халқ ҳаётида адолат, ҳақиқат ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий мезонига айланди. Зулм ва тажовуз, қўрқув ва ноҳақ солиқлар ўрнига, адолатли бошқарув тизими жорий этилди. Бу халқ орасида тинчлик ва ўзаро ҳамжихатликни мустаҳкамлади.

Хуллас, Арабларнинг Туркистонни фатхи — бу шунчаки ҳарбий ғалаба эмас, балки маънавий ва маданий инқилоб эди. У халқни ботил динлар ва ҳурофотдан ҳалос қилди, илм-фан ва маърифат эшикларини кенг очди, ислом ахлоқини ҳаёт меъёрига айлантирди. Шунинг учун ҳам бу воқеа — тарихимизда Аллохнинг улкан марҳамати сифатида ёд этилади ва унинг ижобий самаралари ҳанузгача туркий-ислом цивилизациясида яққол кўриниб турибди. Қофир атеист ва қаланги-қасангилар бу оламшумул тарихий ҳодисани кўра олишмайди

Абу Муслим

"Тарих илми" сайтнинг бош муҳаррири, профессор